

ШАРТНОМА №11

Андижон шаҳар

« 13 » Сентябрь 2022 йил.

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи «POLIGRAFIST» МЧЖ (бундан буён «Пудратчи» деб юритилувчи) унинг номидан раҳбари **Р. Аҳмедов** бир томондан ва Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ бошқармаси номидан унинг раҳбари _____ иккинчи томондан (бундан буён «Буюртмачи» деб юритилувчи) қуйидаги мазмунда шартнома туздик:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Пудратчи» ўз зиммасига «Буюртмачи»нинг топшириғига кўра қуйидаги махсулотларни тайёрлаб беришни, «Буюртмачи» эса ушбу махсулотларни қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

№	Китоб ва журналлар бланкалар номлари	Сони дона	Бир дона нархи	Жами сумма
	Махсус бланкалар ва китоблар таёрлаш хизмати учун	1	40 800 000	40 800 000
ЖАМИ:		X	X	40 800 000

2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси **40 800 000 (Қириқ миллион саккиз юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Хисоб – китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

2.3. Шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг, 10 банк иш кунида «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган ишлар ҳақи умумий суммасининг 30 % миқдоридан олдиндан аванс тариқасида «Пудратчи»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган охириги 70 % «Пудратчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб-варақ фактуралари асосида 10 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. «Буюртмачи» томонидан 30% олдиндан тўлов амалга оширилганидан сўнг, «Пудратчи» 10 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган махсулотларни (ишларни) «Буюртмачи»га етказиб беради.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Товар (махсулот)»ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

- Агар «Товар (махсулот)»ни етказиб бериш жараёнида «Пудратчи» шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

3.3. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёки учинчи шахслар томонидан тўғриланишини харажатларини копланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни копланишини «Пудратчи»дан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. «Товар (махсулот)»ни белгиланган вақтда етказиб бермаганлиги учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га ўтиб кетган муддатнинг ҳар бир банк куни учун етказиб берилмаган махсулотнинг қийматидан 0,1 % миқдорида, лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган миқдорида жарима тўлайди.

4.2. «Товар (махсулот)»ни етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажарилиши рад этилганлиги учун «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган «Товар (махсулот)»нинг 25% миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Буюртмачи»га «Товар (махсулот)»ни етказиб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

4.3. «Товар (махсулот)»ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлик етказиб берилмаган тақдирда «Пудратчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Бироқ, бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган «Товар (махсулот)» қийматининг 50 % дан ортик бўлмаслиги керак.

4.4. Етказиб берилган «Товар (махсулот)» учун ўз вақтида ҳақ тўламаганда «Буюртмачи» «Пудратчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортик бўлмаслиги керак.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

5.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар қондага кўра мустақил равишда судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан хал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига асосан белгиланган тартибда хал қилинади.

6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛУШУВ


6.1. Тарафлар ўз фаолиятини очиклик ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга оширади ҳамда номидан ҳаракат қиладиган шахсларга коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтириш беради.

6.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмагани, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олиншинга йўл қўйилмагани, таклиф этилмагани, уларни беришга ваъда қилинмагани, шунингдек, моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганини) кафолатлайди.

6.3 Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш ҳолати бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор қилиши шарт.

6.4 Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун қўшимча таъминлик шартлари ўтказилмаслигини кафолатлайди.

6.5 Шартноманинг тарафлари ва улар томонидан ҳал қилинмаган қарашлар томонидан юқорида қайд қилинган коррупцияга қарши шартларга риоя этилмаганда,



иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришга талаб қилишга ҳақли.

7. ФОРС – МАЖОР.

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «Ёнгин, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари», агарда тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

8. БОШҚА ШАРТЛАР.

8.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда Иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

8.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

8.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳри бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

8.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Пудратчи»да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да сақланади.

9. ШАРТНОМА МУДДАТИ

9.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

9.2. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгиланади.

9.3. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жihatдан тенг кучли ҳисобланади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«POLIGRAFIST» МЧЖ

(таъминотчининг номи)

Манзили: Андижон шаҳар, Тошкент кўчаси,
7-уй

х/р 2020 8000 8008 1820 2001

Банк номи: “Асакабанк” Андижон вилоят
филиали

МФО: 00069; СТИР: 305163030;

ОКЭД: 18120

Раҳбар



Р. Аҳмедов

«Буюртмачи»

Андижон вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзили: Андижон шаҳар, А. Темур кучаси
1- уй

х/р: 401010860034917031101179003

Анд. в. бўйича Ғазначилик бошқармаси

МФО: 00016

СТИР: 201122919



Раҳбар

